



Халқ сўзи


Ўзбекистон —
КЕЛАЖАГИ
БУЮК
ДАВЛАТ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2007 йил 6 февраль, № 26 (4179)

Сешанба



Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети қошидаги академик лицейнинг ташкил топганига кўп бўлгани йўқ. Шундай бўлса-да, бу ердан шу пайтгача юзлаб ўғил-қиз мустақил ҳаётга йўлланма олишди. Уларнинг аксарияти айни чоғда мамлакатимиздаги турли идора ва ташкилотларда, хорижий ваколатхоналарда фаолият кўрсатаёттилар.

ТИЛ БИЛГАН ЭЛ БИЛАДИ

Дано халқимизнинг "Тил билган эл билади" деган нақлига доимий амал қиладиган лицей ўқувчилари бир пайтнинг ўзиде икки ёки учта хорижий тилларни ўзлаштиришга кунг билан киришганлар. Мабодо

йўлингиз тушиб, академик лицейга бориб қолсангиз, ўқувчиларнинг ажнабий тилларда бемалол гаплашаётганларини кўриб ҳавасингиз келади. Бейхитёр, мустақил юртимизнинг келажаги — ёш авлодга кўрсатилаётган ғамхўр-

лик туфайли камол топётган навниҳолларнинг улкан чинорларга айланишини ният қиласиз.

— Бугунги ёшлар бошқача, — дейди академик лицей директори, педагогика фанлари номзоди, доцент Жуманазар Ҳасанов. — Уларнинг ҳар бири илмга ташна, чет тилларни ўзлаштиришга иштиёқлари баланд. Шундай авлодга сабоқ бераётганимиздан фахрланамиз, албатта!

Мақсуд ЖОНИХОНОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.
Темур ҚУРБОНБЕКОВ
олган сурат.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Президент Жаноблари, Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданиятининг умумжаҳон пойтахти деб эълон қилиниши муносабати билан шаҳсан ўз номимдан ва Сенатнинг халқаро алоқалар қўмитаси номидан йўллаётган самимий табригимни қабул қилгайсиз. Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилотининг (ISESCO) мазкур қарори Сизнинг раҳбарлигингизда Ўзбекистонда, жумладан, пойтахт Тошкентда минтақавий маданиятни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган хайрли ишларнинг яна бир эътирофидир.

Ижозатингиз билан яна шуни таъкидламоқчиманки, Тошкентнинг ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши бутун Осиё қитъаси учун катта шарафдир.

Яқинда Покистон парламенти делегацияси Ўзбекистон Республикасига ташриф буюриб, самарали музокаралар ўтказди ва биз самимий меҳмондўстлик учун Ўзбекистон Сенати ва Ташқи ишлар вазирлигидан гоят миннатдоримиз. Бу самимият мамлакатларимиз ўртасидаги яқин дўстлик ва биродарлик ришталаридан яна бир далолатдир.

Эзгу тилаклар билан,

Мушоҳид Ҳусайн САИД,
Покистон Ислам Республикаси
Сенатининг Халқаро алоқалар
қўмитаси раиси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари, Тарихий аҳамиятга молик воқеа — Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданиятининг умумжаҳон пойтахти деб эълон қилиниши муносабати билан йўллаётган самимий табригимни қабул этгайсиз.

Ушбу қарор ислом кадрларини асраб-авайлаш ва ривожлантириш йўлида муҳим қадам бўлишига ишончим комил эканлигини изҳор этишга ижозат бергайсиз. Самарқанд ва Бухоро Ўзбекистоннинг бой ва буюк тарихидан далолат берувчи шаҳарлар сифатида ислом тарихи соломасидан ҳақли равишда мангу жой олган.

Сизнинг ҳуқуқингиз томонидан ислом цивилизациясининг маърифий кадрларини асраб-авайлаш ва ривожлантириш борасида изчил сиёсат олиб борилаётганини ҳам алоҳида таъкидламоқчиман.

Фурсатдан фойдаланиб, Парвардигордан Сиз, Жаноби Олийларига сihat-саломатлиқ, Ўзбекистон халқига фаровонлик ато этишини сўрайман.

Сизга йўллаётган энг эзгу тилакларимни қабул қилгайсиз.


Камолти эҳтиром билан,

Ақбар Аҳмад ҲУСЕЙН,
Покистон — Ўзбекистон маданияти
жамияти президенти.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ОМБУДСМАН ҲИСОБОТИ ТИНГЛАНДИ

Кеча мамлакатимизда фаолият юритаётган барча сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари йиғилишларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) нинг 2006 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи тингланди.



жараёнларига демократик таъсир кўрсатувчи реал воситага айланди. Шу боис, мазкур ҳисоботда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш, улар устидан мониторинг олиб бориш, фуқароларнинг муносабатларини кўриб чиқиш ва ҳуқуқларини тиклаш, Омбудсманнинг минтақавий вакиллари фаолияти каби масалаларга кенг ўрин берилган.

Йиғилишларда 2006 йилда парламент Омбудсмани фаолиятида фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари ва эркинликларини

шига доир мониторинг ўтказилган. Натижалар уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида жиддий камчилик ва нуқсонлар мавжудлигини кўрсатди.

Ҳисоботда ўтган даврда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш юзасидан бажарилган кенг қўламли ишлар билан бир қаторда мавжуд муаммоларга ҳам эътибор қаратилди. Шунингдек, парламент Омбудсманнинг асосий ташаббусларини йиғилишларда қайд этилганидек, Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили институтининг фаолияти мунтазамлик касб этишига, давлат органлари тизимида барқарор мавқега эга бўлишига, Ўзбекистонни янада демократлаштиришга ва ҳуқуқий жамият қуриш томон илгариллашга ёрдам беришга қаратилди.

Зиёда АШУРОВА.

Жиззах вилоят ҳокимлигида республика Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг "Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Сенатнинг ва Сенат қўмиталарининг қарорлари ижро этилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси

ҲАМКОРЛИК МУСТАҚАМЛАНСА...

Олий Мажлиси Сенатининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва ижро этувчи ҳокимият органлари билан ҳамкорлиги тўғрисидаги қарори жойларда қандай бажарилаётгани, мавжуд муаммолар ҳамда галдаги вазифаларга бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

Тадбир иштирокчилари қарор ижроси йўлидаги бир қатор ишларни таъкидлаш билан бирга, доимий комиссиялар ва ижро этувчи ҳокимият органларининг ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятлари анча суист эканлигини қайд этишди. Маҳаллий кенгаш депутатларининг кўпчилиги омма билан доимий алоқа билан интиляпти. Жойлардаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш юзасидан тақлим-мулоҳазалар билдирилмапти.

Семинарда қарор ижросини таъминлаш йўлида амалга оширилиши зарур бўлган юмушлар белгилаб олинди. Бу йўлда ошқораликка эришиш, ташаббускорликни қўллаб-қувватлаш учун шаҳар ва туманларда давра суҳбатлари, конференция, семинар-кенгашлар ўтказиб туриш, амалга оширилаётган ишларни оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам, батафсил ериштириб боришга қўлиниб олинди.

Бахриддин САТТОРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Ушбу масала юзасидан омбудсман Сайёра Рашидова ахборот берди. Тақдим этилган ҳисобот Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили фаолиятининг устувор йўналишларига, ўн бир йиллик даврдаги амалиёт ва ортирилган таърибага мувофиқ тайёрланган.

Айтиш жоизки, ўтган вақт мобайнида парламент Омбудсмани бошқа миллий демократик институтлар билан бир қаторда адолатли ҳуқуқий давлат қуриш

НУҚТА ҚЎЙИШДА АДАШМАНГ

Шу кунларда барча меҳнат жамоаларида, тармоқ ва ҳудудларда 2006 йилда эришилган натижалар ҳақда жиҳатдан таҳлил қилинмоқда. Босиб ўтилган йўлга баҳо бериш, қўйилган қадамлар салмоғини ва зиминли ва ҳушёрлик билан чўтга солиш, янги режалар белгилашда таъриба сабоқларини ҳисобга олиш бугунги замон талабларига жавоб берувчи раҳбар зиммасидаги асосий вазифалардан биридир.

Айтилик, корхона қўлга киритган натижалар ўтган йилги кўрсаткичлар билан таққосланганда ижобий ўсиш кўзга ташланди. Ҳўш, бу ўзгаришга нималар ҳисобига эришилди? Ҳўш омилиларни келажакда ҳам ишга солиш, уларни бошқа жамоалар ҳаётига татиқ этиш ҳақида ўйлашимиз керак. Негаки, илгор таъриба бир неча жойда, бутун тизим миқёсида жорий қилинса ундан жамият наф кўради, кўплар манфаатдор бўлади. Яқуний кўрсаткичлар чиқарилганда, аввало,

даромад салмоғини, фойда улшини, айни пайтда ишловчилар кўрган рағбат даражасини ҳисобга олиш муҳимдир. Бозор иқтисодиётининг бирламчи шарти — моддий манфаатдорлик эканлигини унутмаслик зарур. Шу маънода аҳоли ҳаётига тушган сармоа баъзи ҳисоботлардаги центнер,

тонналардан юқори туради. Бу фикрлар нақадар тўғрилигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Раҳбарнинг ҳаёлини банд этадиган фикрлардан бири фидойи, меҳнаткаш кишилар интилиши арзигулик

ҳаёти, унинг қувонч ва ташвишлари ётади. Бугунги давр талабларини ҳис қилган раҳбар ана шу томонларни ҳам тўлиқ кўра олиши керак. Бир йиллик фаолиятга баҳо берилганда айнан қайси ҳолатларда имкониятлар қўлдан чиқарилганини, йўл қўйилган хатоларни таққосламаслик учун нима ларга эътибор қаратиш лозимлигини ҳисобга олиш катта аҳамият касб этади. Фақат бундай ҳуло-

Янги тафаккур давр талаби

Мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш борасида сезиларли ютуқларга эришилди. Ижобий силжишлар йил сайин барқарорлик касб этаётганлиги кўнгилларга қувонч бахш этади. Худди шундай муҳитда бозор муносабатларига тайёр бўлмаган кишилар кўзга яққол ташланиб қолишди.

Ўз Ватани номи жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашини истасан, бунинг учун табаррук заминимиз қудрати юксалиши лозимлигини англаган фуқаро давр олдинга қўяётган вазифалар руҳида меҳнат қилди, гайрат-шижоат билан умум ютуғига ўз ҳиссасини қўшди. Шундай экан, фаолиятнинг ҳар бир одимини ўта шайраклик билан баҳолайлик, ишончли ҳулосалар чиқаришда адашмайлик.

Ш. ЖАҲҲАРОВ.

Тарғиботнинг таъсири Камта

Ёш авлоднинг миллий ғоя, миллий мафкурамиз руҳида тарбиялаш, улар қалбига она-Ватанга, миллий қадриятларимизга меҳр-муҳаббат уйғотиш, турли ёвуз нијатли оқимлар таъсирига тушиб қолишига йўл қўймастик бугуннинг энг муҳим вазифаларидан саналади.

Мамлакатимиз Президентининг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишда ҳуқуқий асос ва дастуриямал бўлиб хизмат қилапти.

Самарқанддаги Иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги 1-академик лицейда бўлиб ўтган «Тизимда маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самарасини ошириш омиллари ҳамда воғга етмаган ўқувчи-ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш муаммолари» мавзудаги республика илмий-амалий анжумани айнан шу соҳага бағишланди. Унда Урта махсус, касб-хўнар таълими маркази раҳбарияти, мазкур тизимнинг вилоятлардаги бошқармалари

Абдурашул САТТОРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

ЭШИТДИНГИЗМИ



Профессионал боксининг ўта оғир вазнида WBA (Бутунжаҳон бокс ассоциацияси) чемпионлик камарига айни кунда россиялик Николаи Валуев эгаллик қилмоқда.

Хабарингиз бор, юртдошимиз Руслан Чагаев ана шу камарга биринчи рақамли даъвогар саналади.

Сўнги маълумотларга қараганда, Валуев — Чагаев жанги 14 апрель куни ўтказиладиган бўлди. Бу ҳақда россиялик боксчининг менежери Борис Димитров Eurosport телеканалига берган интервьюсида хабар қилди. Чемпионлик жангини Германияда ўтказиш режалаштирилган.

СПОРТ

Қарши терма жамоаларни кутмоқда



Эртага футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси Озарбойжон термаси билан ўртоқлик учрашуви ўтказилади. Уйин, одатдагидек, мамлакатимизнинг бош футбол майдони — «Пахтакор»да эмас, Қаршидаги маркази стадионда бўлади. Бу Қашқадарё вилояти футбол жамоатчилиги билдирилган катта ишонч ва айна вақтда жиддий синов ҳамдир. Шундай экан, терма жамоалар учрашуви ҳамма нарса тахтими?

Биз саволга жавоб топиш учун ўртоқлик учрашувини ўтказиш мўлжалланаётган Марказий стадионни кўздан кечирдик. Утган йили мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари» спорт уйинлари ва республика хотин-қизлар спартакиадаси ўтказилган мазкур стадионнинг имкониятлари катта. Спортчилар ва томошабинлар учун барча зарур қулайликлар яратилган. Шуниси эътиборга лойиқки, футбол майдонига йил бўйи ям-яшил бўлиб турадиган махсус ўт экилган. Мамлакатимизда ушбу соҳада етарли тажриба бўлмаганилиги сабабли футбол майдонини мусобақага тайёрлаш ташкилотчилар учун катта ташвиш тугдирди.

— Хали футбол майдонимизда бирорта ҳам учрашув ўтказилгани йўқ, — дейди биз билан суҳбатда стадион директори Ихтиёр Назаров. — Шунинг учун ҳам уни халқро андозалар даражасига етказиш учун кўп куч сарфлашимиз. Тошкентдан келган мутахассисларнинг маслаҳатлари ҳам жуда қўл келаяпти. Мамлакатимизда бундай яшил майдони стадион ҳамма жойда ҳам йўқ. Шу сабабли терма жамоамизнинг жорий йилдаги дастлабки уйинини бизнинг стадионда ўтказишга қарор қилинди. Хозирнинг ўзида стадионимиз мамлакат биринчилиги мусобақаларини ўтказишга тахт қўлиб қўйилди. Шу ўринда таъкидлаш керакики, вилоятимизнинг

икки кучли жамоаси — «Насаф» ва «Машъал» янги мавсум уйинларни мана шу янги стадионда ўтказилади.

Ҳа, қашқадарёлик футбол мутасаддилари йирик мусобақаларни ташкил қилиш соҳасида яхши тажриба тўплашган. Қарши шаҳрида халқро мусобақаларни ўтказиш бўйича барча талабларга жавоб берадиган яна бир йирик спорт иншооти — «Насаф» стадиони ҳам бор. Ўзбекистон ва Озарбойжон миллий терма жамоалари ўртасидаги ўртоқлик учрашувининг Қаршида ўтказилиши вилоятда футболнинг янада ривожланиши учун хизмат қилади.

Б. НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



28 январь — 4 февраль кунлари Хитойнинг Чангчун шаҳри VI қишки Осиё уйинлари мезбонлик қилди. Мазкур нуфузли мусобақада қитъамизнинг 26 давлати вакиллари медаллар учун кураш олиб бордилар.

Медалсиз қайтишмади

Аввал хабар қилинганидек, қишки Осиё уйинларида юртдошларимиз фигурали учиги (яккалик ва жуфтлик) ҳамда тоғ чангиси бўйича беллашуларда иштирок этдилар.

Ўзбекистонлик спортчилар илк бор 1996 йил Харбин (Хитой)да ўтган III қишки Осиё уйинларида ватанимиз шарафини химоя қилишган эди. Ушанда вакилимиз Татьяна Малинина фигурали учининг яккалик бахсларида кумуш медал билан тақдирланди. 1999 йил Чанжу (Корея Республикаси)шаҳри

да ўтказилган IV қишки Осиё уйинлари ҳамюртларимиз учун анча муваффақиятли келди. Фигурали учининг яккалик бахсларида Татьяна Малинина олтин, Роман Скорняков кумуш, жуфтлик беллашуларда эса Наталья Пономарёва ва Евгений Свиридовлар бронза медалларига сазовор бўдилар. 2003 йил Амори (Япония)да уюштирилган навбатдаги V қишки Осиё уйинларида эса Наталья Пономарёва ва Евгений Свиридовлар фигурали учининг жуфтлик бахсларида бронза

медалига эгалик қилишди.

Чангчун шаҳрига ҳам спортчиларимиз катта ниятлар билан боришганди. Аммо, қўлга киритилган натижалар кўнгилдагидек бўлмади. Тоғ чангиси бўйича беллашуларда қатнашган вакилларимиз жуда паст кўрсаткичга эришдилар. Фигурали учининг яккалик бахсларида майдонга тушган ҳамюртлимиз Анастасия Гимазетдинова ҳам мутахассислар катта ишонч билдиришганди. Аммо у якунда олтин ўрин билан кифояланишга мажбур бўлди. Фақат, фигу-

рали учининг жуфтлик бахсларида Артём Князов ва Марина Аганиналар бронза медалини қўлга киритишди.

Шуни таъкидлаш лозимки, VI қишки Осиё уйинларида 26 та давлатдан вакиллар қатнашган бўлса, шулардан Хитой, Япония, Жанубий Корея, Қозғистон, Ўзбекистон ва Мўғилистон давлатлари спортчиларигина совриндорлар сафидан жой олишди.

З. ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Саховат Ҳимматингдан айланай, фермер!

Берунийлик фермер Асия Қаландарова 40 йиллик меҳнат фаолиятдан сўнг нафақага чиқса ҳам бекор ўтиришни ўзига эл билмади. Тумандаги «Қиётбод» ширкат хўжалигидан ер олиб, пахта экди. Шу тариха «Шавкат Қаландаров» фермер хўжалигига асос солиб, фермер деган номга сазовор бўлди.



Утган йилдан эътиборан эса Асия опа тумандаги 47-мактабни ўз оталигига олди. Ўқув даргоҳининг таъмирланиши, байрам ва маънавий-маърифий тадбирлар учун беминнат ёрдам кўрсатиб келмоқда. Байрамлар муносабати билан биринчи синф ўқувчиларига совга-саломлар улашиб, улар кўнглини шод этишни қанда қилмайди, Қолаверса, «Сумалек сайли», «Наврўз базми» каби миллий қадриятларимиз акс этган тадбирларнинг ёшлар қалбидан чуқур жой эгаллашини истаб, фермер оламиз бор кучи ва маблағини аямайди.

Гулойим РАЖАБОВА,
Ўқитувчи,
Беруний тумани.

РОССИЙСКИЙ ЛИНОЛЕУМ

Производство
ЩекиноАзот г. Тула,
Стройпластмасс г. Ульяновск

тел. 134-48-11
факс 134-49-58

Мелиораторларга янги техника

Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг техника парк йил бошида яна 7 та экскаватор ва 4 та бульдозер билан бойиди.

Республика қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Хитой Халқ Республикасининг «Машиспекс» давлат корпорацияси ўртасида тузилган шартномага мувофиқ келтирилган бу за-

монавий техника воситалари Қашқадарё вилоятининг чўл ҳудуддаги ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда жуда асқотади. Бошқарма таркибидagi гидрология-мелиоратив экспедициясида ўтказилган тақдимот маросимида Хитойда ишлаб чиқарилган экскаватор ва бульдозерлар мутахассислар томонидан юқори баҳоланди.

Уларни қабул қилиб олган механизаторлар янги техниканинг иш унуми юқори эканлигини, шу билан бирга, бошқариш ҳам қулайлигини алоҳида таъкидлашди.

Шартномага мувофиқ вилоятга яна 13 та экскаватор етказиб берилди.

Ўз мухбиримиз.

ТАШКИЛОТ

ҚУРИЛИШ ВА ЕР ҚАЗИШ УЧУН ЗАРУР БЎЛГАН ТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИНИ, ЖУМЛАДАН,



САМОСВАЛ, ЮКЛАГИЧ (ПОГРУЗЧИК) КРАН ВА ЭКСКАВАТОРЛАРНИ СОТИБ ОЛАДИ.

Таклифлар учун телефон: (371) 120-66-20. Факс: (371) 120-66-30.

Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ

очик аукцион савдоларига таклиф этади.



2007 йил 23 февраль куни соат 11.00 да Республика Кўчмас мулк биржасининг Фаргона вилояти филиалида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига суд ижрочилари томонидан хатланган куйидаги автотранспорт воситалари кўйилмоқда:

1. «Мидибус» русумли, 2002 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 15АК 371, Дв.№200028, Шасси №00022 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 25 703 652 сўм.
2. «Мидибус» русумли, 2002 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 15 АК 372, Дв.№200026, Шасси №00023 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 28 916 608 сўм.
3. «Мидибус» русумли, 2002 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 15 АК 373, Дв.№200021, Шасси №00021 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 28 916 608 сўм.
4. «Мидибус» русумли, 2002 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 15 АК 374, Дв.№200051, Шасси №00019 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 28 916 608 сўм.
5. «Мидибус» русумли, 2002 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 15 АК 375, Дв.№200046, Шасси №00025 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 28 916 608 сўм.
6. «Мидибус» русумли, 2002 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 15 АК 376, Дв.№200015, Шасси №00024 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 28 916 608 сўм.
7. «Мидибус» русумли, 2002 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 15 АК 377, Дв.№200050, Шасси №00020 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 28 916 608 сўм.
8. «Мидибус» русумли, 2002 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 15 АК 378, Дв.№200022, Шасси №00018 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 28 916 608 сўм.
9. «Мидибус» русумли, 2002 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 15 АК 379, Дв.№920909, Шасси №00033 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 28 916 608 сўм.
10. «Мидибус» русумли, 2002 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 15 АК 380, Дв.№920585, Шасси №000351 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 28 916 608 сўм.
11. «Мидибус» русумли, 2002 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 15 АК 381, Дв.№920921, Шасси №000336 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 28 916 608 сўм.
12. «Мидибус» русумли, 2002 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 15 АК 382, Дв.№920592, Шасси №000334 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 28 916 608 сўм.
13. «Мидибус» русумли, 2002 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 15 АК 383, Дв.№920907, Шасси №000337 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 28 916 608 сўм.
14. «Мидибус» русумли, 2002 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 15 АК 384, Дв.№920908, Шасси №000335 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 28 916 608 сўм.
15. «Мидибус» русумли, 2002 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 15 АК 385, Дв.№883061, Шасси №000338 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 28 916 608 сўм.
16. «Мидибус» русумли, 2002 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 15 АК 386, Дв.№920668, Шасси №000332 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 28 916 608 сўм.

Юқоридаги автотранспорт воситаларига қизиқиш билдирганлар Тошлоқ шаҳарчаси, «Шодлик» кўчаси, 63-уйда жойлашган, «Тошлоқ автобус саройи» ОТХЖда сақланаётган ушбу автотранспорт воситалари билан танишишлари мумкин.

2007 йил 23 февралдаги аукцион савдосида сотилмаган автотранспорт воситалари 2007 йилнинг 28 февраль, 6, 9, 27 март кунлари ўтказиладиган аукцион савдосига қўйилишини маълум қиламиз.

Диққат! Жиззах вилоят хўжалик судининг 04.05.2006 йилдаги 13-0507/2198-сонли ишига асосан Суд ижрочилари Жиззах шаҳар бўлинимаси томонидан тақдим этилган, Жиззах шаҳридаги «Жиззах ЛРС Пласт» кўшма корхонага қарашли, Пластмасса трубабалар ишлаб чиқарувчи, бир шнекли «КМЕ-1-90-30 В» русумли экструдер тармоғи (линия) бошланғич баҳоси — 471 300 348 сўм ва ишлаб чиқариш биноси бошланғич баҳоси — 119 921 555 сўм бўлган мулклар Суд ижрочилари Жиззах шаҳар бўлинимасининг 16.01.2007 йилдаги 3837-сонли хатига биноан савдолардан чиқарилганини маълум қиламиз.

Ушбу билдириш вилоятнинг «Жиззах ҳақиқати», «Джизакская правда» газеталарининг 20.01.2007 йилдаги 07 (4665)- сонида чоп этилган.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан бир кун олдин соат 16.00да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар (юридик ва жисмоний шахслар) объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини; Фаргона вилояти «Халқ банки»нинг амалиёт бўлимидаги куйидаги х/р: 20210000700571452023, МФО: 00497га тўлашлари шарт.

МУРОЖААТ УЧУН МАНЗИЛЛАР:

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ Фаргона вилоят филиали, Фаргона шаҳри, М.Қосимов кўчаси, 35-уй, «Биржа маркази». Телефон: код 8 (373) 229-85-90.

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ Жиззах вилоят филиали, Жиззах шаҳар, Ш.Рашидов шох кўчаси, 39-уй. Телефонлар: код 8-(372) 222-35-77, 222-34-16, 222-36-19.

Интернетдаги сайтими: www.rkmb.uz

Лицензия: ДВ 001 №000004.



«ПАХТА БАНК»

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИДАГИ ЭМИТЕНТ ВА ИНВЕТОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

- ✓ Агар сиз қимматли қоғозларни муомалага чиқаришни режалаштираётган бўлсангиз;
- ✓ муомалага чиқарилган қимматли қоғозларни инвесторлар ўртасида бирламчи жойлаштиришни режалаштирсангиз;
- ✓ қимматли қоғозлар билан иккиламчи бозорда битимни амалга ошириш мақсадингиз бўлса;
- ✓ агар сизга тегишли бўлган қимматли қоғозларни қаерда сақланиши ва уларга тўлиқ эгалик ҳуқуқи ҳисобини юритилиши зарур бўлса;
- ✓ акциядорлар реестрини юритишнинг малакали, махсус реестр сақловчи томонидан амалга оширилиши зарурлиги туғилса;
- ✓ агар сизга тезкор ва юқори сифатли депозитарий ва реестр сақлаш хизматлари зарур бўлса,

у ҳолда

АТ «ПАХТА БАНК»нинг


шўъба хўжалик

жамияти

«РАХТА-SERVIS»

депозитарийсига

мурожаат қилинг!



Барча хизматлар тегишли лицензияларга асосан амалга оширилади.

«РАХТА-SERVIS» депозитарийсининг қимматли қоғозлар бозорига барча турдаги хизматларидан фойдаланинг!

Депозитарий хизматлари учун ҳақ тўлаш белгиланган тарифларга асосан амалга оширилади. Йирик миқозларга арзонлаштирилган нархлар таклиф этилади. Вилоятлардаги миқозлар депозитарийнинг жойлардаги вакилларига бевосита мурожаат қилишлари мумкин.

Бизнинг манзил: 700096, Тошкент ш., Муқимий к., 43-уй. Мурожаат учун телефонлар: 278-10-94, 173-25-51. E-mail:paxta-servis@pakhtabank.com

